

Санодаги Салоҳ масжиди



09:04 / 17.08.2021 1998

Салоҳ масжиди Яман пойтахти Санонинг энг катта ва бош ибодатхона саналади. У шаҳарнинг жанубий чеккасидаги хушманзара минтақага жойлашган. Ушбу масжид мамлакатнинг биринчи президенти Алий Абдуллоҳ Салоҳнинг фармойишига биноан, асосан унинг маблағи (60 миллион доллар атрофида) ҳисобига беш йилда тикланган ва президентнинг номига қўйилган. Шунинг эслатиш ўринлики, бу масжид ҳам Марокашдаги Ҳасан Иккинчи масжиди каби мусулмонлардан ташқари бошқа дин вакиллари ҳам зиёратга кира оладиган санокли ибодатхоналардан биридир.

Масжиднинг кўриниши ҳаддан ташқари ҳашаматли: шаҳарнинг ҳамма еридан кўриниб турадиган олти минорадан ҳар бирининг баландлиги 100 метрдан ошиқроқ. Масжид гумбази турли тошларни уйғун ҳолда қўллаш туфайли кўзни қамаштирадиган даражада чиройли. Унга қора базальт, қизил, оқ ва қора оҳақтошлар ишлатилган, баланд деразаларнинг кўзлари витраж (рангли нақшлар) билан безалган. Масжиднинг чиройини Маккадаги Масжидул-Ҳаромга тенглаштиришади.

Масжиднинг расмий очилиши 2008 йили бўлди. Масжид мажмуасига кирган хонақоҳ биноларнинг энг йириги бўлиб, жами 27 минг кв метрни ташкил этади. Шифтининг баландлиги 24 метрдан ошади, осилган маҳобатли қандиллар ибодатхонага янада улуғворлик бағишлаб туради. Хонақоҳ ўзида 44 минг намозхонни сиғдира олади. Масжид асосий

биносининг устида бешта гумбаз бўлиб, улардан энг йиригининг қутраси (диаметри) 27,4 метр, 40 метр баландликка жойлашган бўлса, қолган тўрттасининг қутраси 15,6 метрни, баландлиги эса 20 метрни ташкил этади. Асосий гумбазнинг ички айланасига Қуръони карим оятлари ўйиб битилган.

Масжид яман меъморчилик услубида, исломий анъаналардан кенг фойдаланган ҳолда бунёд этилган. Ибодатхонанинг марказий биносига баландлиги 22 метрдан бўлган ўн бешта ёғоч эшиклар ўрнатилган. Ўнта эшик шарқ ва ғарб томонга, бештаси эса жанубга қараб очилган. Бинонинг тикланишида яман қурувчилари ва мутахассисларидан ташқари хорижий меъмор ва усталар ҳам қатнашишган. Унинг атрофи олти минора билан ўраб олинган. Улардан тўрттасининг баландлиги 160 метрдан.

Салоҳ масжиди мажмуасига кирган уч қаватли бинодан Қуръон ўрганиш мактаби ва каттагина кутубхона ўрин олган. Масжид ҳавони тозалашнинг замонавий қурилмалари, овоз тарқатиш тизимлари ва ташқи ёритиш чироқлари билан таъминланган, бу чироқлар тунда масжид ташқарисининг нақадар гўзал ва жозибали эканини ёритиб туради.

Маҳмуд Маҳкам

«Ҳилол» журналининг 7 (28) сонидан олинди